

3-15-2018

THE ROLE OF NAVOI'S WORKS IN THE FORMATION OF A HARMONIOUSLY DEVELOPED YOUNG GENERATION

M Sariboeva

Gulistan State University, moviy69@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Sariboeva, M (2018) "THE ROLE OF NAVOI'S WORKS IN THE FORMATION OF A HARMONIOUSLY DEVELOPED YOUNG GENERATION," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2018/iss1/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК 371.3: 373:894.375

**ЁШ АВЛОД БАРКАМОЛ ШАХС БЎЛИБ ШАКЛЛАНИШИДА НАВОИЙ
АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ**

М. Сарибоева

Гулистон давлат университети

E-mail: moviy69@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да инсонни интеллектуал ва маънавий–ахлоқий тарбиялаш билан узвий боғланган узлуксиз таълим тизими орқали, баркамол шахсни шакллантириш назарда тутилган. Бунда ўқувчи-ёшлар онгига таълим жараёнида Алишер Навоий асарларидаги ғояларни сингдириш, уларда улуғ шоир ўз қахрамонлари сиймосида ифодалаган ибратли хусусиятларни шакллантириш катта ўрин тутди.

Юртбошимиз Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган маърузасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари ғоят муҳим аҳамиятга эгаллиги, халқ манфаатларига хизмат қилиш улар фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланишини аълоҳида эътироф этади. Бу борада “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди (“Халқ сўзи”, 2018).

Тадқиқот объекти ва қўлланиладиган методлар

Президентимиз айтганларидан келиб чиқиб, тадқиқотимизга улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” ва “Ҳайрат ул-аброр” асарларини объект қилиб олдик, мазкур асарлар бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар, мақолалар эълон қилинган. Биз тадқиқотимизни баркамоллик, инсон эрки ва ҳуқуқлари бўйича ўз қарашларимизни ифодаламоқчимиз. Тадқиқотда кузатиш, илмий методик таҳлил, қиёслаш методларидан фойдаланилди

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Шу маънода Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида шайх ул-ислом, қози, муфтий ва мударрислар ҳақида фикр юритилиб, уларнинг қилган яхши ва ёмон ишлари элга ибрат қилиб кўсатилади. Хусусан, шайх ул-ислом мусулмонлар пешвоси бўлиб, мусулмонлар унинг йўлидан боришлари лозим дейилади. У ислом динининг ҳимоячиси ва тарғиботчиси бўлиши керак. Рад этиб бўлмас даражада ҳақ сўзни сўзловчи, шариат қонунларида мустаҳкам ва барқарор турувчи, файзли ва обрўли одам бўлмоғи шарт. Шундай бўлгандагина уни “шайх ул-ислом” деса бўлади дейди. Шундайлардан бирини мисол қилиб келтиради.

Мундин ўлди муқарраби борий,
Шайхул — ислом пири Ансорий

Қозилар мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчилар, деб таърифланади. Бу тоифа аҳлини Навоий чолғу асбобига ўхшатади. “Соз торидекким, эътидолдин тажовуз қилди, тузуки бузулди. Улки ҳукми эл моли ва жонига жорий бўлғай, керакким, даъби муқмир шиори бўлғай. Аёғиким, сироти мустақимдин тойилди. Вайл чоҳи тубин мақом қилди. Бу ишни ўзи қилурмен деган бебоку қозиб, қозиб бибекка пайғамбар шаръи ҳокимлиғига не муносиб” (Алишер Навоий, 2011).

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов миллий маънавиятимизнинг қадимий асосларига таяниб яратган “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида Алишер Навоий адабий меросининг ёш авлод тарбиясида тутган ўрни ҳақида шундай деган эди: “Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишида ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири - бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз. Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирор бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса” (Каримов, 1998).

Ҳақиқатдан ҳам Алишер Навоий ўз қахрамонлари сиймосида маънавий, ақлий, жисмоний ҳамда руҳий етуклик фазилатларини акс эттириб, уларни бошқаларга ибрат сифатида тасвирлайди. Навоий уммон каби чексиз шеърятдан ташқари, “Хамса” каби йирик юксак бадий, “Маҳбуб ул- қулуб”

сингари тенгсиз ахлоқий асарларида, шунингдек, “Муножот”, “Вақфия” (Алишер Навоий, 1998), “Мажолис ун-нафоис” (Алишер Навоий, 1997) каби битикларида тарбияга оид қарашларини ифода этади.

Шоирнинг талим –тарбияга оид асарларида инсоннинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишида кишиларнинг жисмонан соғлом бақувват бўлишига ҳам жиддий эътибор берилган. Унинг қаҳрамонлари Фарҳод, Қайс, Искандар образларида жисмоний–тарбия ва диловарлик таълими ва унга амал қилишликни кўрамиз. Зеро, бундай таълим-тарбия қадим даврлардан бошлаб, анъанавий тарзда давом этиб, такомиллашиб борган.

“Ҳайрат ул-аброр” “Хамса” дostonлари сафида ўзининг махсус композицион тузилиши, ахлоқий-таълимий, фалсафий ва ижтимоий-сиёсий талқинларга бойлиги билан алоҳида ўрин тутди. Дарсликдаги (Йўлдошев Қ, 2006) парча эса, асардаги йигирмата мақолот орасида ўзининг муҳимлиги, умумбашарий ва азалий мавзуга бағишланганлиги билан эътиборга моликдир.

Эътибор берсак, “Ҳайрат ул-аброр”дан (Алишер Навоий, 2006) олинган парчанинг мақолот қисмидаги ҳар бир байт аслида битта воқеа ёки битта ҳикоядир:

Най туз учун истар ани аҳли ҳол,
Чун туз эмас, эгри кўрар гўшмол.

Аллоҳ ошиқлари сўфийлар даврасида илгари икки-уч хил маъракаи кузатиш мумкин эди: бир гуруҳ доира бўлиб, Аллоҳ номларини баланд овозда жаҳр солиб зикру само қилишарди; яна бир давра аҳли найчидан куйлар тинглаб, муруқабага боришарди; учинчи бир гуруҳ дарвешлар эса рубоб оҳанглари тинглаб, Аллоҳ билан қалбдан сирлашар эдилар. Шунинг учун биринчи мисрада муаллиф: “най тўғри бўлган учун Аллоҳ ошиқлари уни истайдилар”-деган.

Демак, Навоий бизларни тўғрилиққа, найдай тўғри бўлишлиққа, эл дардига руҳига найдай малҳам бўлишга чорламоқчи...

Иккинчи мисрага келсак, бу тимсолга зид қилиб эгри-чанг мусиқий асбоби берилган. Тўғри, чанг мусиқий асбоб сифатида ёқимлилиги найдан кам эмас, аммо шоир бизнинг диққатимизни чанг мусиқий асбобининг эгри-бугри қоматига тортмоқда. Чанг тўғри бўлмагани учун қулоғи буралади” дейилмоқда. Бунда ҳусни таълил санъати бор (гўё у тўғри бўлмаган учун қулоғи буралади). Маълумки, гап бу ерда оддий чангнинг қулоғи буралиши устида эмас, эгри кишига жазо-танбех берилиши устида бормоқда. Яхши одам ҳам хато қилиб, эгриликка йўл қўйса жазоланади-ку...

Худди шундай ҳолат асарнинг қуйидаги байтида ҳам бор:

Баркки, эгрилик ўлубтур хўйи,
Гарчи ёрур, лек борур ер қуйи.

(яъни: чакмоқ нурдан иборат бўлса-да, эгри ҳаракат қилгани учун ер остига кириб кетади!)

Демак, яхшилиқда ном чиқарган одам эгриликдан йироқ бўлиши шарт!

Дарсликдаги ҳар бир байтни ана шундай мулоҳазалар чиғириғидан ўтказиш, уларни ҳаётий-адабий мисоллар билан далиллаштириш ўқитувчининг маҳорати, ўқимишлилиги, ҳаётий тажрибасига ҳам боғлиқ. Чин ва ёлғон, эгрилик ва тўғрилиқ хусусида шундай бой, қарама-қарши мисоллар келтириши лозим-ки, мақолот сўнгида ўқувчи адабий даҳо хусусида тан берсин. Чунончи:

Улки шиор айлади ёлғон демак,
Бўлмас ани эр-у мусулмон демак.

(Мазмуни: Ёлғончиликни одат қилган кишини одам ҳам, мусулмон ҳам деб бўлмайди.)

Асар бадиияти ва таъсирчанлиги хусусида сўз борганида ўқитувчи дostonнинг буюк ҳикматли фикр сифатида янграйдиган ана шу байтига ўқувчилар диққатини такрор ва такрор жалб этмоғи лозим.

Дарс мавзуси ва ғояси таъсирчанлигини оширишда асардаги мусулмончилик эътиқоди, Муҳаммад Алайҳиссаломга умматлик ифтихори ифодаланган қуйидаги байтни келтириш яхши самара беради:

Сидқ ила урғонда сало уммати,
Айтти: “Каззобуна ло уммати”.

(Изоҳи: Пайғамбаримиз умматлари чинлик нидоси берганда Муҳаммад Алайҳиссалом айтдилаки: “Ёлғончилар умматим эмаслар”).

Шоҳиди бўлганимиздек, асарни юқоридагидек методик тамойилни қўллаш ўқувчиларда асарга нисбатан муҳаббат уйғотганидек, эътиқодларда чинакам ростгўйлик ва ҳақиқатгўйликни сингдириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи Навоий асарлари оламига чуқур киргани сари ўзида шахслик сифатларини кашф эта боради. Чунки улар ўқувчиларда меҳр, хурмат, ота-онага, ватанга садоқат каби инсоний фазилатларни уйғотади.

Ҳазрат Навоий асарлари ёшларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутати. Зеро, Алишер Навоий асарлари бизни янги қарашларга, комиллик ва умуминсонийликка даъват этади. Навоий асарларининг туб моҳиятини англаш, уларда даъват этилган эзгулик, меҳр-мурувват, тинчлик ва дўстлик каби ғояларни чуқурроқ ўрганиш бугунги муҳим масалаларимиздан биридир. Унинг бунёдкорлиги, халқсеварлиги барчамизга ўрнак бўлиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.- “Халқ сўзи”, 2018 йил, 8 декабр.

Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998. - 47- б.

Алишер Навоий. “Маҳбуб ул-қулуб”. - Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт – ижодий уйи, 2011. -462 б.

Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. XIV том. “Маҳбуб ул- қулуб”, “Муншаот”, “Вақфия”), –Т.: “Фан”, 1998. – 302 б.

Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. XIII том. –Т.: “Фан”, 1997. –284 б.

Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. –Т.: Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 2006. -392 б.

Йўлдошев Қ., Қодиров В., Йўлдошбеков Ж. 9-синф учун дарслик-мажмуа. –Т.: “Янгийўл Полиграф сервис”, 2006. - 400 б.

Аннотация

ЁШ АВЛОД БАРКАМОЛ ШАХС БЎЛИБ ШАКЛЛАНИШИДА НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

М.Сарибоева

Ушбу мақолада инсоннинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишида Навоий асарларининг туб моҳиятини англаш, уларда даъват этилган эзгулик, меҳр-мурувват, тинчлик ва дўстлик каби ғоялар чуқурроқ ўрганилиши ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: таълим жараёни, баркамол шахс, шахслик сифатлари, сўфийлар давраси, шайх ул-ислом, “Хамса”.

Аннотация

РОЛЬ ПРОИЗВЕДЕНИЙ НАВОИ В ФОРМИРОВАНИИ ГАРМОНИЧНО-РАЗВИТОГО МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ

М.Сарибоева

В статье идёт речь о роли произведений Наваи в воспитании личности в духе мира, дружбы, добра и благородства.

Ключевые слова: образовательный процесс, совершенная личность, общество суфистов, шейх уль – ислам, “Хамса”.

Summary

THE ROLE OF NAVOI'S WORKS IN THE FORMATION OF A HARMONIOUSLY DEVELOPED YOUNG GENERATION

M.Sariboeva

The article dealth with the role of Navai`s work in the education of a person in the spirit of peace, friendship, kindness and nobility.

Key words: educational process, perfect personality, sufi society, sheikh ul-Islam, “Hamsa”.